О.К.Иминов

ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТ:
ўтмиш, бугун ва келажак



О. К. Иминов

ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТ:
ўтмиш, бугун ва келажак

- *ахборотлашган жамият*
- *мумтоз иқтисодиёт*
- *саноатлашган иқтисоддан кейинги босқич*
- *инфоиқтисодиёт*

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ
«SHARQ»
НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2012

65.9(5У)
215.21

О. К. Иминов. Янги иқтисодиёт: ўтмиш, бугун ва келажак.
Т.: «Академия», 48 бет.
2012 йил.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Н.Х. Жумаев
и.ф.н., доц. Х.А.Муҳитдинов

Муаллиф О.К. Иминовнинг мазкур рисоласи «янги иқтисодиёт» термини, унинг изоҳи, шунингдек, янги иқтисодиётнинг шаклланиши, техник инқилоб ва даврий тебранишлар, ахборот ва иқтисодий ўсишга оид янгиликлар, бундан ташқари, иқтисодий таълимотлар тарихи, мумтоз иқтисодиёт ҳақида маълумотлар таҳлилига бағишланган бўлиб, у иқтисодчилар, менежерлар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-00-633-1

©Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2012

«Истиқболда... юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда.., ахборот ресурсларидан ва имкониятларидан фойдаланиш механизмларини доимий модернизация қилиб бориш янги иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади» [1]

Ислом Каримов

КИРИШ

Менежерлар, тадбиркорлар ва бизнес бошқарувчиларига қатор йиллар давомида иқтисодиёт фанлари бўйича ўтилган дарс ва машғулотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар бир йўналишдаги фанларни умумлашган ҳолда чоп этилган адабиётдан ўқишни хоҳлайдилар. Масалан, улар аксарият ҳолларда, иқтисодиёт асослари, унинг барча муҳим ва долзарб масалалари битта дарслик ёки ўқув қўлланмада жамланган бўлишини, ушбу адабиётда масала ва муаммолар лўнда ва ўзлари учун тушунарли ҳолда, ортиқча академизмсиз ифодаланган бўлишини истайдилар. Чунки талаба ва ўқувчиларга мўлжалланган иқтисод фани ўқув дастурларидан фарқли равишда, бизнес бошқарувчилари учун ўқув дастурлари қисқа даврга, шунда ҳам асосан тингловчиларнинг мустақил равишда ўзлаштиришлари учун мўлжалланган бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, муаллиф ушбу қўлланмада мумтоз ва замонавий иқтисод илмига ҳам, иқтисод фанининг ривожланиш босқичларига ҳам, фаннинг таркибий қисмлари ва реал иқтисодни тадқиқ этиш даражаларига ҳам қисқа равишда тўхталиб ўтган ва уларни бугунги

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик islohotlarni янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси)//«Халқ сўзи», 2010 й. 13 ноябрь, №220.

471885

куннинг воқелиги бўлган — «янги иқтисод» категорияси билан боғлашга ҳаракат қилган.

Физик олим Стивен Хокингнинг «Вақтнинг қисқача тарихи» асарида муаллиф «менга ушбу китобни ёзаётган пайтимда унда келтирилган ҳар бир формула унинг харидорларини икки баробарга қисқартиради деб айтишди, шунинг учун ушбу китобни умуман формулаларсиз, ҳамма учун тушунарли қилиб ёзишга ҳаракат қилдим» деб таъкидлайди. Модомики, физика ёки астрономия каби «математикалашган» фанларни оммабоп тарзда ёзиш мумкин экан, демак, биз ифода этмоқчи бўлган «янги иқтисод» асосларини ҳам бемалол оммабоп тарзда ёзиш мумкин ва муаллиф имкон қадар бунга ҳаракат қилган.

Ҳозирда халқаро давраларда «янги иқтисодиёт» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, инсоният ҳаётида бугунга келиб анъанавий иқтисодиётдан фарқли бўлган янги турдаги иқтисодиёт вужудга келди. Олим ва мутахассислар ушбу янги иқтисодиётни виртуал, яъни «қўл билан ушлаб бўлмайдиган», «сезги органларига таъсир этмайдиган» омиллар иштирокидаги иқтисодиёт сифатида таърифлашмоқда. Албатта, ушбу омиллар сифатида, биринчи навбатда, электроника ва ахборот технологиялари майдонга чиқмоқда, шунинг учун ушбу иқтисодиёт баъзан, қисқа ҳолда «инфоиқтисодиёт» деб ҳам аталмоқда. Ушбу иқтисодиётни «инновациялар → юқори технологиялар → янги иқтисодиёт» кўринишидаги узвий занжирнинг сўнгги бўғини сифатида таърифлаш мумкин, яъни инновацион тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмаларни жорий этиш натижасида юқори технологиялар вужудга келди. Юқори технологиялар эса инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаётида «янги иқтисодиёт» деган янги йўналишни яратилишига олиб келди.

Демак, «янги иқтисодиёт» моддий неъматлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга асосланган анъанавий иқтисодиётни инкор этмайдиган, бироқ ундан фарқли равишда «қўл билан ушлаб бўлмайдиган», «сезги органларига таъсир этмайдиган» омиллар иштирокидаги иқтисодиётдир. Ушбу иқтисодиётда товар вазифасини виртуал ҳолдаги товарлар, яъни дастурий таъминотлар,

ахборот оқимлари, интеллектуал билимлар, электрон ресурслар ва архивлар, интернет каби омиллар бажаради.

Агарда «янги иқтисодиёт» тушунчасига таъриф берилса, уни қуйидагича ифодалаш мумкин: янги иқтисод — умумиқтисодиётнинг ўз инфратаркиби, бошқарув ва таълим тизимига эга бўлган алоҳида қисми бўлиб, инсон сезги органларига таъсир этмайдиган ахборот ва билим неъматларини ахборот технологиялари воситасида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, фойдаланиш ва сотиш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. Қисқа ҳолда эса қуйидагича таърифлаш мумкин: янги иқтисод — инсон сезги органларига таъсир этмайдиган ахборот ва билим неъматларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёт фанининг тарихи — бу кишилик жамияти хўжалик юритишининг, бошқача қилиб айтганда, шахс, оила, корхона ёки давлат миқёсида «рўзғор тебратиш» жараёнларининг тарихидир.

Унинг ҳар бир босқичида вужудга келган иқтисодиёт фанининг маълум оқими, хоҳ у меркантилизм ёки маржинализм бўлсин, хоҳ у мумтоз иқтисодиёт ёки институционализм бўлсин – ўз даври учун мос бўлган иқтисодий парадигмани (paredaim – маълум бир муаммо бўйича тушунчалар, қарашлар ва тамойиллар мажмуаси, тизими) тадқиқ этган.

Шунинг учун хозирги замон иқтисодий парадигмаси сифатида майдонга келган янги иқтисодиёт ҳам нисбатан янги иқтисодий оқим сифатида чуқур аҳамият касб этади ва атрофлича тадқиқ этишни талаб этади. Муаллиф мамлакатимиз ва хорижий олим-мутахассисларнинг мавзуга оид асарлари ҳамда интернет материалларидан кенг фойдаланган ҳолда ушбу қўлланмада мамлакатимизда янги иқтисодиётни шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари борасида фикр юритади.

Қўлланма талабалар, тингловчилар, тадқиқотчилар, шунингдек, янги иқтисоднинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари билан қизиқувчилар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Янги иқтисодиёт инсониятни саноатлашган иқтисодиётга хос бўлган чекланган ресурслар шароитидаги чекланмаган эҳтиёжларидан қутқаради.

1. «Янги иқтисодиёт»нинг шаклланиши

Жамиятда иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши унга мос равишда доимо илмий-техникавий тараққиётни ҳам олиб келди. Одамлар ўз истеъмоли ва алмашинуви учун товарлар яратиш мақсадида аввало оддий меҳнат қуролларидан фойдаланган бўлса, аста-секин бу қуроллар такомиллашиб, механик қурилмаларга, машиналарга, автоматлаштирилган тизимларга айланиб борди. Бугунга келиб автоматлаштирилган тизимлардан ҳам юқори босқич — рақамлаштириш босқичига ўтилди.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш, саноатлаштириш ёки автоматлаштириш жараёнларида технологиялар иккиламчи ўринда туради, яъни ушбу омиллар маълум бир моддий товар ёки маҳсулотни ишлаб чиқаради ёки бу жараёнга кўмаклашади. Ушбу технологиялар балансда моддий актив ҳолида ифодаланади. Фақат уларни самарали ишлатиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар ёки билимларгина (ноу-хау) балансда номоддий актив сифатида ифодаланади.

Янги иқтисодда эса, анъанавий иқтисоддан фарқли равишда, айнан номоддий ҳолдаги активлар (дастурий таъминотлар, ахборот ресурслари, интеллектуал билимлар, электрон ресурслар ва архивлар кабилар) яратиш ишлаб чиқаришнинг билимларга асосланган янгича усулига айланади, ахборотнинг ўзи эса иқтисодий категория сифатида шаклланади.

1959 йилдаёқ Даниел Белл саноатлашган иқтисодиётдан кейинги иқтисод ҳақида тўхталиб, бу иқтисодиётда етакчи ўринда тадбиркорлар ёки саноат корхоналари эгалари эмас,

балки олимлар, билимларга асосланган янги технологиялар яратувчилар туришини таъкидлаган эди. Бу иқтисодиётда ишлаб чикариш ресурси сифатида ахборот ва билимлар майдонга чиқади, иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб илмий кашфиёт ва ишланмалар хизмат қилади.

Янги иқтисодиётни кириб келиши ва инновацияларнинг зудлик билан жорий этилиши жараёни кўп йиллар аввал Йозеф Шумпетер таъкидлаган — «яратувчи вайронагарчилик»ка ўхшайди, яъни инновацион технологиялар ва ахборотни кириб келиши ўз-ўзидан эски технологияларни сиқиб чиқармоқда. У. *Мартиннинг фикрига кўра, янги иқтисодиёт шароитида* ахборот — иқтисодий ресурс, хизмат кўрсатиш товари, қўшилган қийматни яратиш манбаи ва бандликни таъминловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йилда 17 май кунини «Халқаро ахборотлашган жамият куни» деб эълон қилиниши янги иқтисодиётнинг глобал масштабда нақадар чуқур кириб бораётганлигини кўрсатади. Ахборотлашган жамият — саноатлашган иқтисодиётдан кейинги босқичнинг назарий концепцияси бўлиб, инсоният эволюцион тараққиётининг тарихий босқичи сифатида қаралмоқда.

Янги иқтисоднинг фаол тарафдорларидан бири бўлган Алан Гринспеннинг фикрига кўра, ахборот технологияларининг (АТ) иқтисодиётнинг барча жабҳаларига чуқур кириб бориши замонавий иқтисодиётни аввалгилардан кескин фарқ қиладиган ҳолатга олиб чиқди ва иқтисодиёт фанида янги даврни бошлаб берди.

1.1. Технологик инқилоб ва даврий тебранишлар

Маълумки, иқтисодиёт даврий тебранишлардан иборат, яъни доимо ўсиб, энг юқори даражага чиқади, сўнгра пасайиш бошланади. Ушбу иқтисодий даврлар давомийлиги бўйича киска (Китчин цикли, 3–4 йил, ахборот етиб келгунга қадар талаб пасайган товарларни тўпланиб қолиши натижасида келиб чиқадиган

иқтисодий фаолликнинг пасайиши), ўрта (Жюгляр цикли, 7–11 йил, ахборот етиб келгунга қадар талаб пасайган асосий воситаларга инвестициялар қилиш натижасида келиб чиқадиган иқтисодий фаолликнинг пасайиши) ва узун (Кондратьев цикли, 45–60 йил, жамиятда билим ва ахборот ўзлаштирилиши орқали амалга ошадиган ўзгаришларнинг иқтисодиёт талабларидан орқада қолиши натижасида келиб чиқадиган пасайиш) даврларга бўлинади.



1.1-расм. Кондратьев циклининг даврий тебранишлари: P – ўсиш, юксалиш, перспектива; R – қайтиш, рецессия (инвестицияларнинг орқага кетиши); D – пасайиш, депрессия (инкироз ҳолати); E – яхшиланиш (инвестицияларнинг қайта бошланиши).

Иқтисодий даврларнинг хусусиятли томони шундаки, уларнинг ҳар бир босқичи маълум бир янги технологик инқилоб билан мос келади. Масалан, Кондратьевнинг биринчи цикли 1800–1850 йилларни қамраб олади ва бу давр 1795 йилдан янги турдаги енгил саноат корхоналарини таркиб топиши ва буғ двигателларини пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Худди шу каби, 2-циклга (1850–1900 йиллар) темир йўл ва пўлатдан саноатда кенг фойдаланишни бошланиши, 3-циклга (1900–1950 йиллар) электр энергиясидан саноатда кенг миқёсда фойдаланишни бошланиши, 4-циклга (1950–1990 йиллар) автомобил саноати ҳамда нефт ва нефт маҳсулотларига асосланган ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожланиши, 5-циклга (1983–2018 йиллар) ахборот технологиялари, электроника ва микротехнологиянинг ривожланиши тўғри келади. Истиқболда эса, 6-циклга (2018–2050 йиллар) робототехника, нанотехноло-

гия ва биотехнология конвергенциясининг жадал ривожланиши мос келиши башорат этилади.

Демак, хозирда амалда бўлган 5-циклга мос иқтисодий даврда ишлаб чиқариш жараёнларининг рақамлашуви ортиқча захира, иш кучи, капитал ва, умуман, эски ишлаб чиқариш усулларини сиқиб чиқармоқда, натижада янгича ишлаб чиқариш муносабатлари таркиб топмоқда. Масалан, конструкторлик ишларининг компьютерли моделлаштириш натижасида автомобил ва бинолардан тортиб, токи авиалайнерлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ минглаб иш ўринлари қисқармоқда, вақт ва маблағ сарфи эса жуда ҳам кам миқдорни ташкил этмоқда.

Ахборот технологияларининг кескин ривожи натижасида таркиб топиб, ривожланиб бораётган янги иқтисодиётни буғ двигатели кашф қилингандан кейинги технологик инқилоб билан тенглаштирилмоқда. Ушбу давр аввалги иқтисодий муносабатларни ўзгартириб юбормоқда, яъни янги иқтисодиёт шароитида иқтисодий ресурс сифатида майдонга чиққан ахборот ресурси ўзининг чекланмаганлик хусусияти билан янгича иқтисодий муносабатларга йўл очмоқда. Ахборот технологиялари билан боғлиқ инновациялар, юқори самарадорлик, технологик жиҳатдан орқада қолмаслик учун инвестицияларнинг кескин оқиб келиши, қимматли қоғозлар бозорининг кучайиши, инфляциянинг пасайиши янги иқтисодий даврни бошлаб берди.

2. Қисқача мумтоз иқтисодиёт ҳақида

... Амалиётчилар ўзларини назарий билимларга қарам эмасман деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, аслида улар ўз гояларини аллақачонлар қайсидир иқтисодчи шунчаки ёзиб қўйган «ижоди»дан оладилар.[1]

Жон Мейнард Кейнс

Мумтоз иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарасак, хозирда «янги иқтисодиёт» деб номлаётганимиз, аслида, янгича технологик укладга (инқилобга) хос бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, ахборот тех-

[1] *Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – стр. 350.*

нологиялари билан боғлиқ юқори технологияларнинг вужудга келиши ахборот ресурслари кўринишидаги янги иқтисодий ресурсларни пайдо этди ва ушбу ресурслар янгича иқтисодий муносабатларни келтириб чиқармоқда. Ахборот ресурсларининг хусусиятли томони — уларнинг деярли чекланмаганлигидир. Албатта, «чекланмаган иқтисодий ресурс» тушунчаси қандайдир ғайриодатий ҳолни юзага келтиради, шунинг учун биз ушбу масалага тадқиқотимизнинг кейинги қисмларида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Демак, Эйнштейн таъкидлаганидек, бу дунёда ҳамма нарса нисбийлик хусусиятига эга эканлигидан келиб чиқсак, «янги иқтисод» ҳам бизнинг давримиз учун нисбатан янги иқтисодий даврдир. Уни атрофлича, комплекс тарзда тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Шунинг учун биз аввало, мозийга, мумтоз иқтисодиётга ва ўз даврида «янги» деб ҳисобланган иқтисодий даврларга бир назар солиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

2.1. Иқтисод

Иқтисодий адабиётларда «иқтисод», «иқтисодиёт» каби илмий категорияларга таърифлар келтирилган. Яъни, бунга кўра иқтисодиёт — бу келгусида аниқ бир мақсадга етишиш учун самарали хўжалик юритиш санъатидир[1].

Аввало иқтисод сўзининг луғавий мазмунига тўхталиб ўтсак.

Иқтисодий адабиётларда «иқтисод» сўзи қадимги грек тилидан (экос – уй, номос – қонун) олинган бўлиб «хўжалик юритиш қоидалари» деб изоҳланади.

...Яшашни хоҳлайсизми, демак ҳаракат қилишга мажбурсиз, ҳаракат эса ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳар қандай ўзгариш муаммоларни вужудга келтиради. Демак, муаммолар аслида сизнинг имкониятингиз. Имкониятингизни тўғри баҳолай олсангиз, муаммоларингиз ечилади!

Номаълум америкалик профессорнинг
лидерлик бўйича маърузасидан
(«Вести», Россия, 09.10.11)

[1]Финансово-кредитный энциклопедический словарь/ Колл. Авторов; Под общ. Ред. А.Г. Грязновой. - М.: Финансы и статистика, 2002.

Яъни, иқтисодга қуйидагича таърифлар бериш мумкин:

- иқтисод бу ижтимоий макон ва замон шарт-шароитларидан (парадигма) келиб чиқиб, самарали хўжалик юритишни ташкил этишнинг қонун-қоидалари мажмуидир;

- иқтисод бу одамлар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган барча ишлаб чиқариш воситалари мажмуасидир;

- иқтисод бу одамлар томонидан турли чекланган ресурсларни ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши жараёнидир.

Илмий ишларда иқтисод сўзи илк бор эрамиздан аввалги тўртинчи асрдаги Аристотел ишларида учраган ва Аристотел ушбу фанни табиий фан сифатида изоҳлаган. Қизиғи шундаки, Аристотель ушбу фанни инсоннинг даромад олишга қаратилган фаолиятини ўрганишга асосланган - хрестоматика фанига қарама-қарши қўйган.

Ўша даврларда Ксенофонт ўзининг «Уй хўжалиги», яъни қадимги грекчада «экономика» номли асарини ёзган ва уни Цицерон лотинчага таржима қилган.

Ҳозирда иқтисод – янги қиймат яратиш билан боғлик ижтимоий муносабатлар жараёни сифатида қаралади.

Яъни иқтисоднинг асосий вазифаси жамият ҳаёти ва тараққиёти учун зарур бўлган неъматларни яратишдир.

Янги қиймат яратиш билан боғлик ижтимоий муносабатларни ўрганувчи фанни «иқтисодиёт фани» деб номланади.

Демак, иқтисодиёт фани доимо чекланган ресурслар шароитида инсонларнинг чексиз истаклари, эҳтиёжлари ўртасидаги муносабатни ўрганади.

Инсоният — бу эҳтиёжлар билан юклаб қўйилган бахтсиз мавжудотдир!
Самуэльсон

Иқтисод — бу моддий ва номоддий соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимидир. Номоддий соҳа сифатида санъат, фан, соғлиқни сақлаш, дин, таълим, спорт каби соҳалар назарда тутилади. Иқтисод фани ўз мазмунига кўра ижтимоий

фан ҳисобланади ва иқтисодий борлик унинг талқикот объектидир. Ушбу объект икки қисмга: илмий ва амалий қисмларга бўлинади.

Илмий иқтисодиёт ёки иқтисодий назария — бу одамларнинг чекланган ресурслардан фойдаланиш усулини танлаши тўғрисидаги фандир.

Амалий иқтисодиёт иқтисодий назария томонидан яратилган қонуниятлар ва тавсияларни иқтисодий тизимнинг алоҳида субъектлари томонидан жорий этилиши жараёнларини тадқик этади.

Иқтисод фанида бошқа фанлар каби моделлардан фойдаланилади. Моделлар тадқикот объектини идеаллаштирилган ҳолда олинган кўринишидир.

Шунингдек, иқтисодий парадигмалар алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий парадигма — алоҳида қарашлар асосида шаклланган иқтисодий модел бўлиб, маълум ижтимоий-иқтисодий тизим вакилларининг мавжуд давр учун иқтисодий муаммоларни аниклаш ва уларни ечиш бўйича илмий тан олинган хулосаларидир.

2.1.1. Сиёсий иқтисод

Иқтисодий назариянинг асосини сиёсий иқтисод ташкил этади. Ушбу ибора илк бор француз драматурги Антуан Монкретьен томонидан киритилган бўлиб, у ўзининг ягона иқтисодий асарини «Сиёсий иқтисод ҳақида трактат» деб атаган. XVIII-XIX асрларда ушбу ибора иқтисод фанининг асосини ташкил этди ва жуда кенг қўлланилган.

Сиёсий иқтисод Аристотелнинг «Сиёсат» — давлат бошқаруви тузилмаси номли ва Ксенофонтнинг «Иқтисод» — хўжаликни бошқариш қоидалари номли асарларидан олинган бўлиб, «давлат бошқаруви тузилмасига мос хўжалик юритиш асосларини ўрганувчи фан» сифатида талқин этилади.

Сиёсий иқтисод нуқтаи назаридан иқтисод ижтимоий ҳаётнинг:

- базиси ҳисобланади;
- хўжалик юритиш воситасидир;
- базис ва хўжалик юритишни ўрганувчи фандир.

2.1.2. Экономикс

Economics (иқтисодиёт, иқтисодий назария) фани биздаги иқтисодий назариянинг хорижий адабиётлардаги шакли бўлиб, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот ва алмашинув жараёнларидаги муносабатларни ўрганади. Яъни, экономикс юқоридаги жараёнларнинг алоҳида шахс, фирма, ташкилот ва умуман, жамиятга таъсирини ўрганади.

Иқтисодиёт фани асосан инсонларнинг ресурслар чекланганилиги ҳолда, эҳтиёж ва истакларининг чексизлиги муносабатини ўрганади.

Демак, иқтисодиёт фани аниқ моддий ўлчовдаги бойликлар ёки товарларни эмас, балки одамларни ўзини ўрганади. Ушбу ҳолат иқтисодиётни ижтимоий фан сифатидаги ўрнини белгилайди.

Иқтисодиёт фанининг тадқиқот объекти иқтисодий борлиқ бўлса, унинг предмети одамларнинг иқтисодий муносабатларидир.

Иқтисодиёт фан сифатида XVIII-асрда (1776 й.) Адам Смитнинг «Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» номли асари чоп этилгач вужудга келган.

2.1.3. Фаннинг тадқиқот даражалари

Тадқиқот масштаби ва даражаси бўйича иқтисодиёт алоҳида фирмалар ва уй хўжалигини ўрганувчи микроиқтисодиётга, давлат миқёсида миллий иқтисодиётни тадқиқ этувчи - макроиқтисодиётга, алоҳида иқтисодий субъектлар фаолиятини ўрганувчи - наноиқтисодиётга, минтақа ва соҳалар иқтисодиётини ўрганувчи - мезоиқтисодиётга, халқаро иқтисодиётни ўрганувчи - интериқтисодиётга, жаҳон хўжалигини яхлит ҳолда ўрганувчи - мегаиқтисодиётга бўлинади. Кейинги вақтларда наноиқтисодиёт, инфоиқтисодиёт каби тармоқлар тез ривожланмоқда.

2.2. Иқтисодий таълимотлар тарихи

«Янги иқтисодиёт»ни тушуниш учун, аввало, «эски иқтисодиёт»ни тушуниб олиш лозим.

2.2.1. Қадимги шарқ иқтисодий илми

Қадимги шарқда иқтисодий қарашлар асосан диний хусусиятга эга бўлиб, сиёсий ва ижтимоий муаммоларни ечиш-

га қаратилган. Ўша давр иқтисодиётига бағишланган асарлар тадқиқоти кўрсатадики, ушбу асарларда иқтисодий муаммолар илмий таҳлил этилмаган, балки, асосан давлат бошқаруви ва фуқароларнинг иқтисодий фаолиятини назорат этиш бўйича тавсиялар берилган.

Қадимги Хитойдаги эрамиздан аввалги VI–VI асрларда чоп этилган «Гуан-цзи» трактатларида бозор стихиясини барқарорлаш, давлат раҳбарининг ортиқча бўлган товарни ушлаб туриши ва етишмаётган товарни муомалага чиқариши лозимлиги, пул эмиссиясини меъёрлаш, баҳони давлат томонидан бошқарилиши каби масалаларда тавсиялар келтирилган.

Қадимги Ҳиндистондаги «Артхашастра» (моддий манфаат) китобида хазинани тўлдириш учун алкоголли ичимликларга солиқ солиш, ибодат учун тўловлар олиш, жиноятчилар мулкини мусодара этиш каби тавсиялар келтирилган. Шунингдек, иқтисодий порахўрликка қарши курашиш ва амалдорларни тез-тез алмаштириб туриш ҳам иқтисодий барқарорлик омили сифатида тавсия этилган.

Қадимги Вавилониянинг ижтимоий-иқтисодий асари сифатида шох Хаммурапининг иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича қонунлари майдонга чиқади. Ушбу қонунлар жамиятни учта табақага — озод фуқаролар, тўла озод бўлмаганлар ва қулларга ажратиб, уларни мол-мулкини ҳимоя қилишга қаратилган. Иқтисодий жиноят учун жазо ҳам ижтимоий даражасига қараб табақалаштирилган. Судхўрлик фаолияти давлат томонидан бошқарилган, фоиз ставкалари қатъий белгиланган, қарз бўйича қул бўлиб қолиш уч йилгача чегаралаб қўйилган, ҳосилдорлик яхши бўлмаса қарз муддати чўзиб берилган. Бироқ қарзни одам сифатида ёки мулк сифатида олиш бир хилда амалга оширилган.

2.2.2. Антик иқтисодий илм

Антик сўзи грекчада «қадимги» деган маънони англатади ва бунда кўпроқ европа маданиятининг ўтмиши тушунилади. Антик иқтисодий илм деганда қадимги Рим ва Грецияда таркиб топган иқтисодий илм назарда тутилади. Антик иқтисодиётнинг вакиллари эрамиздан аввалги V–IV асрларда яшаган ва иқтисодий ҳодисаларга илк бор илмий тус бериб, бу борада ил-

мий таҳлиллар ўтказган ва жамият тараққиётининг иқтисодий асосларини яратишга ҳаракат қилган Ксенофонт, Платон, Аристотеллардир.

Улар иқтисодий муаммоларни тадқиқ этиш билан чекланмаганлар, балки бу муаммоларни ечиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиққанлар, жамият вакиллари ўртасида меҳнат тақсимоти ғоясини илгари сурганлар ва илмий асослаганлар, илк бор оддий товар алмашинуви ва пулнинг капитал сифатидаги алмашинуви ўртасидаги фарқни илмий тарзда тадқиқ этганлар.

2.2.3. Ўрта асрлар иқтисодий илми

Ўрта асрлар иқтисодий илми яна қайта динийлашганлиги билан алоҳида хусусият касб этади. Бу давр иқтисодиётининг яққол вакили сифатида Фома Аквинский кўзга ташланади ва бунда савдо фойдаси, судхўрлик капитали кабилар нотўғри алмашув ва ўзгалар меҳнатини ўзлаштириш сифатида қораланган. Шунингдек, жисмоний меҳнатнинг қадр-қиммати ошиб, судхўрлик амаллари умуман таъқиқланган.

2.2.4. Меркантилизм

Меркантилизм (mercante – лотинчадан савдогарлик, олиб-сотиш маъносида) – XVI–XVIII аср иқтисодчилари томонидан илгари сурилган иқтисодий доктрина бўлиб, хўжалик фаолиятига протекционизм (импортни чегаралаш) ва миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш орқали давлат аралашуви зарурлигини асослаган иқтисодий оқимдир.

Ушбу оқим тарафдорлари асосан амалиётчилар бўлганлар ва Адам Смит танқид қилиб айтганидай, улар асосан Ост-Индия компаниясининг савдо-монополистик манфаатларини ҳимоя қилишган.

2.2.5. Физиократия

Физиократлар (physiocrates, физио-табиат, кратос-куч, ҳукмронлик, яъни табиат ҳукмронлиги) — XVIII аср охиридаги иқтисодий оқим бўлиб, уларнинг фикрича, ягона ва мустақил бўлган ишлаб чиқариш омили — бу табиат ва ердир, шунинг учун барча

иқтисодий муносабатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ва табиий ресурсларга таяниши лозимдир.

Физиократияга кўра иқтисодий неъматлар табиат қонунлари асосида яратилиши, давлат бу ишларга аралашмаслиги лозим. Демак, физиократлар ғояси деярли меркантилистларга тескари бўлган.

2.2.6. Мумтоз иқтисодий назария

Мумтоз (классик) иқтисодий назария (сиёсий иқтисод) физиократия билан деярли бир пайтда вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси Адам Смит илк бор бойликнинг иқтисодий қиймати ва унинг синфлар ўртасида тақсимланиши қонуниятини очиб берган. Шунингдек, мумтоз иқтисодиёт доирасида иқтисодиёт илмининг муҳим парадигмаси (иқтисодий қарашлар ва тамойиллар тизими) — қийматнинг меҳнат назарияси (labour theory of value) шакллантирилган. Мумтоз иқтисодчилар физиократлар каби иқтисодий либерализмни, яъни давлатни иқтисодиётга аралашмаслигини, иқтисодий қонуниятларни бозор механизмларига топшириб, давлат либерал позицияда бўлиши лозимлигини таъкидлаганлар.

Мумтоз иқтисодий назарияга кўра, қайси ишлаб чиқариш соҳаси бўлишидан қатъий назар, товарнинг қиймати меҳнат орқали яратилади. Товарда жамланган меҳнат миқдори уни алмашув баҳосини белгилайди. Баҳо шунингдек, талаб ва таклиф орқали аниқланади.

Жами ижтимоий маҳсулот мамлакат бойлигини ўзида жамлайди ва ушбу бойлик миқдори меҳнат самарадорлиги ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган аҳоли улушига боғлиқ.

Мумтоз иқтисодиёт вакиллари «иқтисодий инсон» концепциясини илгари суришган. Бунга кўра инсоннинг ҳаёт фаолияти фақат битта нарса – шахсий манфаат нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Маънавият, маданият, дин, анъана, сиёсат ёки спорт каби омиллар инобатга олинмаган.

Қийматнинг меҳнат назарияси ўз меҳнати эвазига пул топувчилар синфини ҳимоя этувчи алоҳида иқтисодчилар гуруҳини шаклланишига олиб келди.

Шунингдек, мумтоз иқтисодиёт иқтисодий либерализмни, яъни давлатни иқтисодиётга аралашмаслик ғоясини шаклланишига олиб келди. Ушбу ғояга кўра, иқтисодий қонунлар табиат қонунлари каби фаолият юритади ва уларнинг таъсирида жамият иқтисодий ҳаётида аста-секин «табиий уйғунлик» юзага келади, бу жараёнларга давлатнинг аралашуви эса фақат табиий мувозанатни бузади.

Иқтисодий либерализмнинг асосий шиори — laissez faire, laissez passer – маъноси: одамларга ўз ишини қилишига имконият беринг, ишни ўз йўлида кетишига имконият беринг. Либерализм эркин савдони, чекланмаган экспорт ва импортни ёқлаб чиққан.

Мумтоз иқтисодий назарияга кўра иқтисодий қонунлар ва рақобат «кўринмас қўл» каби таъсир этади. Натижада, бозор муносабатлари ўз-ўзидан талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни юзага келтиради, янги ишлаб чиқаришлар таркиб топади, ресурслардан самарали фойдаланиш юзага келади.

Мумтоз иқтисодий назария кейинчалик қўшимча қиймат назарияси билан сиёсийлаштирилди (буни ҚҚС — қўшилган қиймат солиғидан фарқлаш керак). Яъни, бунга кўра иш берувчи (капиталист) ишлаб чиқариш жараёнида ишчини ортиқча ишлатиш орқали (эксплуатация) қўшимча қиймат олади (Д - Т - Д*).

Қўшимча қиймат — ишлаб чиқариш жараёнида яратилган *янги қиймат билан ишчи кучи қиймати ўртасидаги фарқдир.*

Қўшимча қиймат меъёри ишчи ола олмаган миқдорни кўрсатади:

$$N=m/v$$

Бу ерда:
N-қўшимча қиймат меъёри;
m-қўшимча меҳнат;
v-зарурий меҳнат;

2.2.7. Янги мумтоз иқтисодий назария (маржинализм)

Янги иқтисодий назария XIX аср охирларида вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси математик М. Вальрас чекланган иқтисодий ресурсларни рақобатчилар ўртасида тақсимлаш ло-

477885

зимлигини ва бунда миқдорий усуллардан фойдаланиш орқали чегаравий катталикларни аниқлаш асосларини яратган.

Ушбу оқим вакиллари маржиналистлар деб аталади. Маржинализм (marginis – чегара, одатда энг юқори чегара назарда тутилади) — чегаравий фойдалиликни камайиб бориши тамойилини тан олувчи оқимдир.

Маржинализм иқтисодий жараёнларни чегаравий катталиклардан фойдаланиш асосида тадқиқ этади, яъни маржинализм назариясининг асосий категориялари бўлган чегаравий самарадорлик, чегаравий харажатлар, чегаравий фойдалилик кабилар миқдорий таҳлиллар асосида аниқланади. Ушбу назария иқтисодий тадқиқотлар жараёнида математик аппаратдан фойдаланиш, иқтисодий моделлар яратиш, оқилона (оптимал) миқдорларни белгилаш имкониятини яратди.

2.2.8. Кейнсианлик

Кейнсианлик — иқтисодий назариянинг АҚШдаги «буюк депрессия»га қарши жавоби сифатида майдонга чиққан макроиқтисодий оқимдир. Унинг асосини 1936 йилда чоп этилган Джон Мейнард Кейнснинг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» номли асари ташкил этади. Мумтоз ва янги мумтоз иқтисодий назария механизмларидан фойдаланган ҳолда, ушбу назария хулосалари маълум даражада меркантилистларнинг давлатни иқтисодиётга аралашуви борасидаги қарашларига ўхшаб кетади.

Кейнс назариясига кўра, бозор иқтисодиёти тўла бандликни таъминловчи мувозанатга эриша олмайди, чунки одамлар ўз даромадларининг маълум қисмини доимо жамғариб боришга мойилдирлар ва бу жами таклифни жами талабдан ортиб кетишига олиб келади. Натижада, давлат пул массасини орттириш, фоиз даражасини пасайтириш (инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида), ижтимоий ишларни рағбатлантириш ва бюджетдан молиялаштириш каби омиллар орқали жами талабга таъсир ўтказиши ва иқтисодиётни бошқариши лозим.

Кейнс қуйидаги кетма-кетликни келтиради: 1-жамғармалар жами талабни пасайтиради; 2-талабни пасайиши ишлаб чиқаришни қисқаришига олиб келади; 3-ишлаб чиқаришни

қисқариши иш ўринларини камайтириб, ишсизликни келтириб чиқаради; 4-ишсизлик аҳоли даромадларини пасайишига олиб келади; 5-даромадларнинг пасайиши жами талабни пасайишига туртки беради. Натижада, иқтисодий ҳаётни доимий тушкун ҳолатда ушлаб турувчи ёпиқ доира ҳосил бўлади.

Иқтисодиётни тушкунликдан чиқариш учун, Кейнс таъкидлаганидек, давлат иқтисодий субъектларга тўлов асосида йирик буюртмалар бериши, бу буюртмалар даромадли бўлмаса ҳам, лекин дабдабали бўлиши лозим. Натижада, иқтисодий субъектлар ишчиларни ёллашади ва уларга иш ҳақи тўлашади, бу жами талабни оширади ва охир - оқибатда иқтисодий барқарорлик таъминланади.

2.2.9. Монетаризм

Монетаризм йигирманчи асрнинг 50-йилларида вужудга келган макроиқтисодий назария бўлиб, унинг асосчиси бўлиб Мильтон Фридман ҳисобланади. Ушбу назариянинг асосий ғояси — муомаладаги пул массаси иқтисодий тараққиётни белгиловчи омилдир ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви муомаладаги пул массасини ўзгартириш билан чегараланиши лозим. Шу жиҳатдан монетаристларнинг қарашлари либерал мумтоз иқтисодиёт ва физиократлар қарашларига ўхшаб кетади.

Маълумки И.Фишер 1911 йилда ўзининг машҳур алмашинув тенгламаси орқали пулнинг миқдорийлик назарияси моҳиятини очиб берган:

$$MV=PQ$$

Бу ерда:

M-муомаладаги пул массаси;

V-пул массасининг айланиш тезлиги;

P-баҳо даражаси (мамлакатда яратилган моддий ва номоддий неъматларнинг баҳоси);

Q-жами ишлаб чиқариш ҳажми (мамлакатда яратилган моддий ва номоддий неъматларнинг реал ҳажми).

Шундан келиб чиқиб монетаристлар, кейнсчиларга қарши борган ҳолда, пулга талаб ЯИМнинг ўсиши билан параллел равишда

боришни лозим, деб таъкидлайдилар. Шунингдек, пулнинг таклифи барқарор эмаслигини, чунки у ҳукуматнинг олиб бораётган пул - кредит сиёсатига боғлиқ эканлигини ҳам кўрсатадилар. Узоқ муддатли даврда ЯИМнинг ўсиши барқарор бўла олмайди, шунинг учун пул таклифи узоқ муддатли даврда ЯИМнинг ўсишига умуман таъсир қилмай қўяди ва фақат инфляцияни кучайтиради. Ушбу тамойил монетаризм назариясининг асосини ташкил этади ва «пулнинг бетарафлиги» тамойили деб ҳам аталади.

2.2.10. Институционализм

Институционализм (insitutum – муассаса, ўрнатилган қоидалар, анъаналар маъносида) — йигирманчи асрда вужудга келган назария бўлиб, бунга кўра иқтисодий субъектлар фаолиятини таҳлил этишда фақат иқтисодий категориялардан келиб чиқмасдан, балки, ноиқтисодий хусусиятга эга бўлган бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маълумки, мумтоз иқтисодиёт «иқтисодий инсон»ни фақат соф иқтисодий манфаатлар учун яшаётган инсон сифатида қарайди ва шу нуқтаи назардан келиб чиқиб иқтисодий тадқиқотлар ўтказади.

Институционализм вакиллари эса ҳеч битта иқтисодий субъект соф иқтисодий манфаатлар билангина яшай олмаслигини, балки ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган бошқа институтлар (сиёсий, маънавий, маърифий, диний ва бошқ.) иқтисодий субъект фаолиятига бевосита таъсир ўтказишини ва «иқтисодий инсон» улар билан келишишга, ушбу таъсирни ҳисобга олишга мажбур эканлигини таъкидлайдилар.

Демак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёт фанининг тарихи бу — кишилик жамияти хўжалик юритишининг тарихидир.

Унинг ҳар бир босқичида вужудга келган иқтисодий оқим, хоҳ у меркантилизм ёки маржинализм бўлсин, хоҳ у мумтоз ёки янги мумтоз иқтисодиёт бўлсин – ўз даври учун мос бўлган иқтисодий парадигмани тадқиқ этган.

Шунингдек, ҳозирги замон иқтисодий парадигмаси сифатида шаклланган янги иқтисодиёт ҳам чуқур ўрганишни ва атрофлича тадқиқ этишни талаб этади.

3. Ахборот технологиялари — янги иқтисодиётни таркиб топишининг бош омили сифатида

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда халқаро давраларда «янги иқтисодиёт» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, инсоният ҳаётида бугунга келиб анъанавий иқтисодиётдан фарқли бўлган янги турдаги иқтисодиёт вужудга келмоқда. Олим ва мутахассислар ушбу янги иқтисодиётни виртуал, яъни «қўл билан ушлаб бўлмайдиган», «сезги органларига таъсир этмайдиган» омиллари иштирокидаги иқтисодиёт сифатида таърифлашмоқда. Албатта, ушбу омиллар сифатида, биринчи навбатда, электроника ва ахборот технологиялари майдонга чиқмоқда, шунинг учун ушбу иқтисодиёт баъзан, қисқа ҳолда «инфоиқтисодиёт» деб ҳам аталмоқда.

Ушбу иқтисодиётни «инновациялар – юқори технологиялар – янги иқтисодиёт»[1] кўринишидаги узвий занжирнинг сўнгги бўғини сифатида таърифлаш мумкин, яъни инновацион тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмаларни жорий этиш натижасида юқори технологиялар вужудга келди. Юқори технологиялар эса инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаётида «янги иқтисодиёт» деган янги йўналишни яратилишига олиб келди.

Ушбу ҳолатлар, фикримизча ривожланишнинг маълум босқичида турган мамлакатимиз учун долзарб аҳамият касб этади. Тадқиқотларимиз кўрсатадики, инсоният цивилизацияси тарихида бир қанча ахборот инқилоблари рўй берган. Яъни, ахборотни яратиш, ундан фойдаланиш, ишлов бериш, узатиш ва сақлаш каби жараёнлардаги ўзгаришлар ва ривожланиш сабабли инсониятнинг ижтимоий муносабатларида тубдан ўзгаришлар рўй берган. Бундай ислоҳотлар натижасида инсоният янги сифат кўринишига эга бўлган жамиятга айланган.

Ахборот инқилобларини қуйидаги кетма-кетликда тавсифлаш мумкин:

- **биринчи** инқилоб ёзувни ихтиро қилиниши билан боғликдир, бу эса улкан сифат ва миқдорий сакрашга олиб келган;

---

[1]Мухитдинов Х.А. Проблемы повышения финансово – экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в Узбекистане – Т.: «Академия», 2007 г., стр. 116.

- **иккинчиси** (XVI аср ўрталари) эса саноатлашган жамиятни, маданиятни, фаолиятни ташкил этишни тубдан ўзгартирган - китоб босишнинг ихтиро қилиниши билан вужудга келган;

- **учинчиси** (XIX асрнинг иккинчи ярми) электрни ихтиро қилиниши билан боғлиқ. Электр шарофати билан ҳар қандай ҳажмдаги ахборотни тезкорлик билан етказиш ва тўплашга имконият берадиган телеграф, телефон, радио каби ахборот мосламалари вужудга келди;

- **тўртинчиси** (XX асрнинг иккинчи ярми) микропроцессорли технологиянинг ихтиро қилиниши ва шахсий компьютернинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Микропроцессорли ва интегралли схемаларда компьютерлар, компьютер тармоқлари, маълумотларни узатиш тизимлари яратилди. Бу даврни қуйидаги учта асосий янгиликлар жорий этилганлиги характерлайди:

• ахборотни ўзгартиришнинг механик ва электр воситаларидан электрон ахборотга ўтиш;

• барча узеллар, конструкциялар, асбоблар, машиналарни микро даражада кичиклаштириш;

• программали-бошқариладиган конструкциялар ва жараёнларни яратиш.

Фикримизча, охирги ахборот инқилоби биринчи ўринга янги тармокни — ахборот саноатини суриб чиқарди. Бу саноат янги билимларни ишлаб чиқариш учун техник воситалар, технологияларни ишлаб чиқиш билан боғликдир. Ахборот саноатининг муҳим таркибий қисми — бу телекоммуникациядир.

Ахборот технологияси (АТ) – бирон бир объект, жараён, ёки кўриниш ҳолати ҳақидаги ахборотни яратиш, ишлов бериш, йиғиш, сақлаш, қидириш, узатиш ва назорат этиш учун қўлланиладиган дастурлар, воситалар, механизмлар ва усуллар жамланмасидир. Телекоммуникациялар эса – компьютер тармоқлари ва замонавий техник-ахборот воситалари орқали маълумотларни масофадан туриб узатишдир[1].

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг мураккаблашуви, инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги жараёнларнинг

[1]Арипов А.Н., Мирзохидов Х.М. ва бошк. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: «Ракамли ривожланиш дастури», 2004 й.

ўзгариши бир тарафдан билим олишга бўлган талабларнинг ошишига, иккинчи тарафдан эса — бу талабларни қондиришнинг янги воситаларини ва усулларини яратишга олиб келмоқда. Ахборот технологиялари ва компьютерларнинг шиддатли шаклланиши ва ривожланиши турли ахборотлардан фойдаланиш асосида қурилган жамиятнинг ривожланишига олиб келмоқда. Ушбу жамият эса ҳозирда «ахборотлашган жамият» деб аталмоқда.

Мутахассислар ахборотлашган жамиятда компьютерлаштириш жараёни одамларга ахборотнинг ишончли манбаларига кира олиш имкониятини беради, оғир ишдан халос қилади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотни қайта ишлашни юқори даражасини таъминлайди, деб ҳисоблайдилар. Яъни жамият ривожланишининг ҳаракатга келтирувчи куч бўлган - моддий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни эмас, балки ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш «ахборотлашган жамият»нинг асосий хусусиятини белгилаб беради. Моддий маҳсулот эса янада «ахборотлашган» тус олади, бу эса унинг ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва истеъмол жараёнларини енгиллаштиришга олиб келади. Энг асосийси, «ахборотлашган моддий маҳсулот» ортиқча ишлаб чиқаришни олдини олиш орқали, исрофгарчиликни камайтиради.

Ахборотлашган жамият нафақат ишлаб чиқаришни, балки одамлар турмуш тарзини ўзгартириб бормоқда, маданий бойликнинг моддий бойликларга нисбатан аҳамияти ошмоқда. Товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қаратилган саноатлашган жамият билан солиштирганда, ахборотлашган жамиятда интеллект, билимлар ишлаб чиқарилмоқда ва истеъмол қилинмоқда, бу эса ақл меҳнати улуши ва обрўсининг ошишига олиб келди. Инсондан ижод қилиш қобилияти талаб қилинади, билимга бўлган талаб кескин ортади.

Компьютер техникаси ва компьютер тармоқлари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқаси базасидаги турли хил тизим ва хизматлар ахборотлашган жамиятнинг моддий-техник базасидир.

Юқоридагилар асосида ахборотлашган жамиятни қуйидагича таърифлаш мумкин: ахборотлашган жамият – бу шундай жамиятки, унда жамият аъзоларининг аксарияти ахборотни, айниқса унинг юксак шакли бўлган — билимларни ишлаб чиқиш, ишлов бериш, истеъмол қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўладилар.

Ҳозирда назариётчилар томонидан яратилган ахборотлашган жамият манзараси ўз белгиларини кўрсата бошлади. Бутун дунёда одамларнинг компьютерлашган, ягона ахборотлашган ҳамжамиятга айланиши башорат қилинмоқда. Бу ҳамжамиятда одамлар «электрон хонадонлар» ва «коттежлар»да яшайди, одамлар фаолияти асосан ахборот яратиш ва унга ишлов беришга қаратилган бўлади, моддий неъматлар ва энергияни ишлаб чикариш эса автоматлаштирилган тарзда машиналар зиммасига юкланади, деган башоратлар ахборотлашган жамиятнинг келгусидаги аҳамиятини кўрсатади. Ҳаётимизнинг бугунги кундаги воқелиги ушбу фикрлар утопия эмас, балки яқин келажакда амалга ошиши мумкин бўлган ҳолат эканлигини тасдиқлаб турибди.

Бир қатор мутахассислар ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатмоқдалар. Масалан, улардан асосийларини қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

• кейинги йилларда ахборот тангликлари муаммоси ҳал қилинди, яъни ахборот уюми ва ахборот етишмаслиги ўртасидаги зиддият ҳал этилди;

• бошқа манбаларга нисбатан ахборот манбаларининг устуворлиги таъминланди;

• инфоиқтисодиётнинг асосий жиҳатлари шаклланди;

• энг янги ахборот техникаси ва технологияси ёрдамида билимларнинг автоматлаштирилган ҳолда пайдо бўлиши, уларни сақлаш, ишлов бериш ва ишга солиш жараёнларига пойдевор яратилди;

• ахборот технологияси инсон ижтимоий фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олгани ҳолда, глобал характерга эга бўлмоқда;

• бутун инсоният цивилизациясининг ягона ахборот ресурси шаклланмокда;

• информатика воситалари ёрдамида ҳар бир инсоннинг бутун цивилизациянинг ахборот манбаларига кира олиши амалга оширилмокда;

• жамиятни бошқариш ва атроф муҳитга таъсир қилишнинг электрон тамойиллари амалга оширилмокда.

Биз ахборотлашган жамиятнинг ижобий жиҳатларидан ташқари ижтимоий ҳаёт учун хавфли жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим:

• ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётга таъсирининг ўта кучайиб кетиши натижасида одамларнинг моддий борликдан қисман узилиб қолиши;

• ахборот технологиялари одамлар ва ташкилотларнинг шахсий ҳаётини бузиб юбориши мумкинлиги;

• сифатли ва ишончли ахборотни танлаб олиш муаммосининг вужудга келиши;

• турли аҳоли қатламлари ўртасида ахборотлашган жамият муҳитига кўникишнинг қийин кечиши;

• «ахборот элитаси», яъни ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчилар, бирламчи ахборотга эга бўлганлар билан унинг истеъмолчилари ўртасида узилишни вужудга келиши ва бу соҳада табақалашувнинг кучайиши.

Ахборотлашган жамиятга ривожланган ахборот саноати мавжуд бўлган давлатлар энг яқин турибдилар. Ахборот саноатига компьютер тизимлари ва телекоммуникацияларга инвестиция ва янгилик киритиш бу давлатларда анчадан бери давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмокда.

Айрим кишиларнинг, гуруҳларнинг, жамоаларнинг ва ташкилотларнинг фаолияти ҳозирги кунда борган сари кўпроқ даражада уларнинг ахборотлашганлигига ва эга бўлган ахборотдан самарали фойдаланиш қобилиятига боғлиқ бўлмокда. Ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан аввал, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, уни тушуниб етиш ва таҳлил қилиш бўйича кенг тадбирларни ўтказиш лозим. Турли соҳаларда оқилона қарорларни

излаб топиш катта ҳажмдаги ахборотга ишлов беришни талаб қилади, махсус техник воситаларни жалб қилмасдан эса, баъзан бунинг имконияти йўқ.

Ахборот ҳажмининг ўсиб бориши айниқса XX аср ўртасида сезиларли бўлиб қолди. Ахборотнинг умумлашган йирик оқими инсонга бу ахборотни тўла равишда қабул қилиши учун имконият бермагани ҳолда, оқиб келди. Ҳар куни пайдо бўлаётган ахборотнинг янги оқимини тушуниш, англаш борган сари қийинлашиб бормоқда. Баъзан, олдинроқ ишланган ахборотлар мувофиқлигини излашдан кўра янги интеллектуал маҳсулотни яратиш афзалроқ бўлиб қолди.

Фикримизча, ахборотнинг катта оқимларини пайдо бўлиши қуйидагилар билан изоҳланади:

• ахборотни яратиш, унга ишлов бериш, фойдаланиш, сақлаш, узатиш, сотиш, назорат этиш ва, умуман, ахборот билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг рақамлашуви;

• ўзида илмий тадқиқотлар ва тажрибавий-конструкторлик ишлари натижаларини ифода этган ҳужжатлар, ҳисоботлар, диссертациялар, маърузалар ва бошқалар сонининг ҳаддан ташқари тез ўсиши;

• инсон фаолиятининг турли соҳалари бўйича даврий нашрларнинг доимий ўсаётган сони;

• одатда магнит тасмаларига ёзиладиган ва шунинг учун коммуникациялар тизими таъсири доирасига бўйсунмайдиган турли хил маълумотларнинг (метерологик, геофизик, тиббий, иқтисодий ва бошқалар) пайдо бўлиши билан.

Бунинг натижаси ахборотни бошқариш билан боғлиқ бўлган ахборот танглиги юзага келмоқда, яъни:

• инсоннинг ахборотни қабул қила олиш ва қайта ишлаш бўйича чегараланган имкониятлари билан сақланаётган ахборотнинг мавжуд бўлган кучли оқимлари ва массивлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўла бошлади. Масалан, ахборот ва билимларнинг умумий миқдори аввал жуда секин ўзгарарди, лекин 1900 йилдан бошлаб у ҳар 50 йилда икки баробар орта бошлади,

1950 йилга келиб бу ортиш ҳар ўн йилда рўй берди, 1970 йилга келиб ҳар 5 йилда, 1990 йилдан бошлаб эса — ҳар йили;

• истеъмолчи учун фойдали бўлган ахборотни қабул қила олишни қийинлаштирадиган ортиқча ахборотнинг катта миқдори вужудга келди;

• ахборотни тарқалишига тўсқинлик қиладиган муайян иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий тўсиқлар вужудга келди. Масалан, кўпинча махфийликка риоя қилиниши сабаби билан турли идоралар ходимлари муҳим ахборотлардан фойдалана олмайдилар.

Бунинг оқибатида, мантиққа умуман тўғри келмайдиган вазият юзага келмоқда, яъни жаҳонда улкан ахборот базаси йиғилиб қолган, лекин одамлар ўз жисмоний имкониятлари чегараланганлиги туфайли, уларни тўлиғича ўзлаштира олмаяпти. Ахборот танглиги жамиятни вужудга келган ҳолатдан чиқиш йўлларини излашга мажбур қилиб қўймоқда. Фаолиятнинг турли доираларига ахборотни қайта ишлаш ва узатишнинг замонавий воситаларини жорий қилиниши саноатлашган ривожланиш босқичида турган инсониятни тараққий этишида ахборотлаштириш деб номланган янги ривожланиш босқичига олиб чиқмоқда.

Демак, ахборотлаштириш бу фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун ахборот манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида энг қулай шароитлар яратиб беришнинг ташкиллаштирилган ижтимоий-сиёсий ва илмий-техник жараёнидир.

Замонавий моддий ишлаб чиқариш ва фаолиятнинг бошқа доиралари ахборот хизмати кўрсатилишига, катта миқдордаги ахборотни қайта ишлашга борган сари кўпроқ мухтождирлар. Турли ахборотлар беришнинг универсал воситаси компьютер бўлиб, у инсоннинг ва умуман жамиятнинг имкониятларини кучайтирувчи ролни ўйнайди, компьютердан фойдаланадиган алоқа воситалари эса алоқа ва ахборотни узатиш учун хизмат

қиладилар. Компьютерларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ахборотлашган жамиятни яратилиши ахборотлаштириш жараёнининг натижасидир. Бу жамиятда моддий объектлар билан эмас, балки белгилар, ғоялар, образлар, интеллект, билимлар билан манипуляция қилинади. Агар инсониятнинг бугунги тараққиётига назар солсак, у ҳозирги вақтда саноатлашган жамиятдан ахборотлашган жамиятга ўтмокда. Ҳозирда ҳар бир мамлакат учун ривожланиш даражаси саноатлашиш босқичидан ахборотлашиш босқичига бўлган ҳаракати билан аникланади.

Инфоиқтисодиётни, унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай кечишини кўрсатиш мақсадида қуйидаги матрицани келтириш мумкин (1-жадвал). Бу модел инфоиқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини намойиш қилади, хусусан улардан баъзилари иштирокчиларга (актор) хос бўлса, қолганлари – бутун тармоққа тегишли.

1 - жадвал

Инфоиқтисодиётнинг матрица кўринишидаги ифодаси

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	B умумий
A		0	0	0	1	0	0	0	0	0	1
B	1		1	1	0	0	0	0	0	0	3
C	1	1		1	0	0	0	0	0	0	3
D	1	1	1		0	0	0	0	0	0	3
E	1	0	0	0		1	1	1	0	0	4
F	0	0	0	0	1		0	0	0	0	1
G	0	0	0	0	1	0		0	0	0	1
H	0	0	0	0	1	0	0		0	0	1
I	0	0	0	0	0	0	1	0		0	1
J	0	0	0	0	0	0	0	0	0		0
B умумий	4	2	2	2	4	1	2	1	0	0	18

Ушбу моделда инфоиқтисодиётда қатнашувчи 10 та актор (A-J) кўрсатилган. Бунда қатордаги акторлар ахборот тарқатувчи, устунлардаги акторлар эса ахборотни қабул қилиб олувчилардир. Шунингдек, «1» рақами алоқа борлигини, «0» эса алоқа йўқлигини ифодалайди.

Иштирокчиларнинг баъзилари йирик алоқа тарқатиш имкониятига (*масалан, Е-4та*), *баъзилари паст имкониятга* (I-1та) эга.

Матрицага кўра «А» «I»дан ахборотни олиш учун камида 3та босқичдан ўтилади, яъни матрица бўйича («1» рақамлари) «I» ахборотни «G»га ; «G» эса «Е»га ва шундан сўнггина «Е» ва «А»га узатади.

Агар акторлар тўғри ёки қадамли йўл билан боғланган бўлса, улар бир-бирларига нисбатан эришимли бўлади. Демак, А ва Е акторлар тармоқнинг бошқа 9 аъзосидан 8 тасига нисбатан эришимли бўлса, J акторга эришиш имкони йўқ. Тармоқдаги акторлар бир-бирлари билан яхшироқ ёки ёмонроқ боғланган бўлишлари мумкин ва бу уларнинг тармоқдаги ўрнини белгилаб беради. Бизнинг *мисолимизда энг яхши ахборот олувчилар* — бу А ва Е. Уларнинг ҳар бири бошқа тўртта актордан ахборот олиши мумкин, лекин Е акторда ушбу тўрт вариант икки томонлама очиқдир, яъни Е ушбу тўрт акторга ахборотни жўнатиши ҳам мумкин, А акторда эса бу вариантлар асимметрик ёки бир томонламадир. Е — энг йирик ахборот тарқатувчи бўлиб, унинг ортидан B, C, D келади ва уларнинг ҳар бири учта акторга ахборот жўнатиши мумкин бўлади.

Тармоқ ичидаги кичик гуруҳлардаги акторларни ушбу кичик гуруҳлар ичида юзага келадиган муносабатларга боғлиқ равишда аниқлаш мумкин. Энг кенг тарқалган кичик гуруҳларнинг турлари:

Тўда: серунум ўзаро алоқалар ёрдамида бир-билан кучли боғланган акторлар (бизнинг мисолда B, C, D — улар бир-бири билан бир қадамга тенг бўлган энг қисқа йўллар билан боғланишган). Бундай турдаги кичик гуруҳлар реал тизимларда камдан-кам учрайди;

Доира: алоқалар бир неча акторларга хос (ABCD кичик гуруҳи, унда, мисол учун, 75 та алоқа эҳтимоли бор, ABCDE кичик гуруҳи — 55 та алоқа эҳтимоли);

Умумий мавқе: тузилмавий жиҳатдан эквивалент бўлган акторлар томонидан ташкил қилиниб, бундай акторлар тизимдаги қолган акторлар билан бир хил ўзаро алоқаларга эга бўлишлари керак (бизнинг мисолда B ва D тузилмавий эквивалент акторлар, чунки уларнинг иккаласи ҳам C билан икки томонлама ва A билан бир томонлама алоқага эга; худди шундай F ва H тузилмавий эквивалент акторлар бўлиб, уларда E билан ягона икки томонлама алоқа мавжуд).

Методологик ёндошув сифатида ахборот-коммуникацион таҳлилнинг қуйидаги қирралари кўзга ташланади:

-акторлар ўзаро қарам бирликлар сифатида қаралади;

-акторлар ўртасида муносабатли алоқалар — моддий ва номоддий ресурсларни узатиш каналлари;

-ахборот-коммуникация моделлари тармоқдан фойдаланаётган акторларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларига эътибор қаратади;

- ахборот-инфокоммуникация (*ижтимоий, сиёсий, иқтисодий* ва ҳ.к.) моделларни акторлар ўртасидаги бардавом тизимли муносабатлар сифатида таърифлаш мумкин.

Ахборот-коммуникация тадқиқотларининг методологик салоҳияти ниҳоятда баланд, чунки улар уй хўжаликлари ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни анча аниқ шаклда тузилмага солиш имконини беради ҳамда маълумотлар билан ҳам макро даражада, ҳам микро даражада иш кўришга шароит туғдиради. Шу туфайли ҳам ахборот-коммуникация тадқиқотлари иқтисодий изланишлар ривожи учун глобал базага айланиб бормоқда. Ахборот - иқтисодий қонуни мавжуд бўлиб, у ахборот - коммуникация инфратузилмаси билан жамият иқтисодиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаб беради.

Инфоиқтисодиёт инфратузилмаси ўзида информатика ва алоқани мужассам этган. Кейинчалик информатика (ахборотла-

шув) ва алоқа (телекоммуникациялар)нинг ўзаро бир-бирларига сингиб кетишлари натижасида ахборот коммуникациялари (ахборот + телекоммуникациялар) номли бирлаштирувчи атама қўлланила бошланди.

Инфоиқтисодий қонун ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси билан жамият иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (ўзаро боғлиқлик) ни ҳам белгилаб беради. Бунда жамият деганда алоҳида минтақа, ёки аниқ мамлакат, ёки бутун жаҳон ҳамжамиятини тушуниш мумкин.

Масалага илмий жиҳатдан жиддий тус бермай туриб, шуни таъкидлаш жоизки, ахборот-иқтисодий қонунини аниқлаш оддий муаммо ҳисобланмайди. Ушбу муаммонинг ечимини иккита фаннинг ўзаро кесишмасидан излаш керак – бир томондан, ахборот ва алоқа назарияси, бошқа томондан иқтисодий назария. Бу ерда гап муаммо ечимининг ҳатто иккита фаннинг кесишмасида жойлашганида ҳам эмас, балки иккита турли хил йўналишдаги фанларнинг кесишмасида жойлашганидадир.

Дарҳақиқат, ахборот коммуникациялари техник воситаларнинг, шу жумладан коммутация ва ахборот узатиш тизимлари, оптик - толали ва йўлдошли алоқа линиялари, маълумотлар базаси ва махсус компьютерлар, шунингдек бир қанча абонентлар терминалларининг бирлашмасидан иборат бўлади. Ушбу техник воситалар ахборот ва алоқа назариясига асосланган бўлиб, бу назария ўз навбатида физикавий-математик тамойиллар ва усулларга таянади. Бундай ҳолат физикавий-математик тамойилларнинг техник аппарат асосини ташкил этишини кўп маротаба тажриба тариқасида текшириш, олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш ва зарур бўлганда тегишли ўзгартиришларни киритиш имконини беради.

Иқтисодиёт назариясида бўлса бутунлай бошқача ҳолатни кузатиш мумкин. Иқтисодиёт назарияси мамлакатларнинг ривожланиши билан алоқадор бўлиб, кўпинча бундай ривожланиш мантиқий

(математик) асосга эга бўлмаган омиллар билан аниқланади: мамлакатдаги сиёсий тузум ва унинг сиёсий раҳбарияти (булар инқилоб ва аксилинқилоблар натижасида бирдан ўзгариши мумкин), дастлабки иқтисодий шарт-шароитлар (иқтисодиётнинг ривожланганлиги ёки заифлиги), йирик иқтисодий тузилмаларнинг ҳукумат томонидан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатга таъсири (ташқи таъсир – тажовузкор ташқи сиёсий бирлашмалар ва ички таъсир – амалдорлар ва жиноятчиларнинг ўзаро тил топишиши), об-ҳаво ва иқлим шароитининг таъсири (экватор ва қутб доираси атрофидаги турлича тарзда талаб қилинадиган турмуш даражаси, доим музлаб ётадиган ер ва жазирама чўлу биёбонлар) ва бошқа шу каби кўплаб омиллар. Айнан шунинг учун ҳам иқтисодиётда битта тажрибанинг ўзини кўп маротаба ўтказиш мумкин эмас, чунки битта мамлакатнинг ривожланишини қайта-қайта такрорлаб бўлмайди.

Демак, бирдан-бир қулай йўл бўлиб жаҳон ҳамжамиятидаги кўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётида мавжуд бўлган статистик маълумотлар асосида ривожланиш моделларини яратиш зарурати юзага келмоқда. Бундай моделлар иқтисодиёт назарияси учун ҳам, ахборот ва алоқа назарияси (ахборот - коммуникациялари назарияси) учун ҳам ягона негиз ҳисобланган математик-статистик усулларга таянади.

Мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ бозорнинг чуқур таҳлили, ундаги талаб ва таклифлар базаси асосида иқтисодиётнинг таркибий ўзгартиришлари ва диверсификацияси муҳим омиллардан биридир. Бу борада корхоналарнинг бошқарув фаолиятида ахборот технологияларининг (АТ) тадбиқ этилиши катта ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ, корхоналарнинг бошқарув фаолиятида АТнинг мустаҳкам назарий базасиз тадбиқ этиш унумли бўлмайди. Рақобатдаги устунликка эришиш ва уни сақлаб қолиш корхоналарнинг молиявий - иқтисодий бошқаруви фаолиятида АТни тадбиқ этилиши бўйича тадқиқотларнинг самарасига боғликдир.

Шунинг учун ушбу масаланинг баъзи бир назарий аспектларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Корхона-

ларда АТ ҳар хил мақсадларда қўлланилади. Улар меҳнат унумдорлигини ва самарадорликни оширади. Информацион тизимлар мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширади, маҳсулотларни яратиш ва яхшилашга ёрдам беради. Улар мижозларни мустаҳкамлаб, рақобатчиларни узоқлаштиришга, баҳо, харажат, сифатни ўзгартириш йўли билан рақобат асосини шакллантиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда АТ кичик бизнесни юритишда ҳам, йирик корхона (корпорация, холдинг)ларни бошқаришда ҳам, ва албатта, мамлакатни бошқаришда муҳим ўрин тутмоқда. Маълумотлар алмашинуви корхоналарнинг мижозлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга, бизнес амалиётини оптималлаштиришга ёрдам беради.

«Ахборот технологиялари» ва «ахборот тизимлари» тушунчасининг бир қатор таърифлари мавжуд. Ахборот технологиялари деганда, асосан маълумотлар тузилиши, ишланиши, етказилиши ва сақланишини таъминлай оладиган мутлақо янги восита ва усуллар йиғиндиси тушунилади. Ахборот тизимлари деганда эса ҳужжатлар ва ахборот технологияларининг йўлга қўйилган ташкилий йиғиндиси, шунингдек ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларнинг қўлланилиши тушунилади. Шулардан келиб чиқиб, ахборот технологияларининг корхона фаолиятида қўлланилиши – бу корхона фаолиятининг тежамлилигини, рақобатбардошлигини, ишончлилигини, мослашувчанлик ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида керакли маълумотларни топиш, тузиш, ишлаш, узатиш, қабул қилиш, сақлаш ва назорат килиш бўйича чора-тадбирлар ва технологик воситаларнинг йиғиндисидир, деб таърифлаш мумкин.

Ўзбекистонда инфокоммуникацион хизматлар бозори бугунги кунда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда, бу ўз йўлида назарий жиҳатдан бўлгани каби, амалий тарафдан ҳам комплекс ва тубдан ўрганишларни талаб килади. 1-расмда кўриниб тургандек, инфокоммуникациянинг ЯИМ ҳажмидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.



	2005	2006	2007	2008	2009	2010
ЯИМ, млрд. с	9664,1	12189,5	15210,4	19640,0	48097	61831
АКТ, %	2,12%	2,30%	2,72%	2,97%	3,0%	3,3
АКТ, млрд. с	205,1	280,4	413,5	584,1	1603,5	1873,6

Расм 1. Ахборот-коммуникация технологияларининг ЯИМдаги салмоғи

Айтиш жоизки, кўпгина корхона раҳбарлари АТларга самарасиз кўп вақт, куч ва маблағ кетади деб ўйлаб, улардан кенг фойдаланишга қарор қилмаяпти. Дарҳақиқат, АТ маҳсулотларининг аксарият кўпчилиги жуда қиммат: ўн ва ҳатто юз минг доллар туради. Шунинг учун корхона информацион тизим танлаётганда минимал харажат ва минимал вақт ичида максимум маҳсулот берадиган, ишлатишда қулай, сифатли ва тушунарли информацион маҳсулот харид қилиши керак.

Локал ва корпоратив масалаларни оператив ҳал қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқарув органлари, барча даражадаги ҳокимият ва *корхоналарнинг иш самарасини ошириш, шунингдек,* харажатларни қисқартириш мақсадида бошқарув ва ижро аппаратида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши бўйича аниқ ва изчил чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Ўрганилган вазирлик, муассаса, бирлашма, ҳокимият ва корхоналарда раҳбар ва мутахассисларнинг компьютер техникаси билан таъминланганлиги 90,2% ни ташкил этади, бундан замонавий – 83,5%, локал компьютер тармоқлари билан қамраб олиниши – 82,5%, корпоратив электрон почтаси билан таъминланганлиги – 40,5%. Таълим вазирлигида электрон ҳужжат айланиш тизими 93% га ишлатилади, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК – 82,0%,

«Ўзбекнефтгаз» МХК – 80,0%, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигида – 61,0%.

Давлат ва хўжалик органлари томонидан юридик шахсларга ва аҳолига 29 та базали ва 12 та янги интерактив хизмат турлари тақдим этилмоқда. Масалан, республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги, савдо танлови ва лицензиялаштириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш масалалари бўйича, Тошкент шаҳри ҳокимияти аҳолига коммунал хизматлар тўғрисидаги маълумотларни тақдимоти шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтиш жоизки, ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича масалалар тўлик ва етарли даражада самарали ечимини топаётгани йўқ. Масалан, давлат ва хўжалик органларининг, ҳамда жойлардаги давлат ҳокимият органларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги республика бўйича 51%ни ташкил этади, бундан вазирликлар – 81,0%, давлат қўмиталари, агентликлар, марказлар ва банк муассасалари – 62,0%, барча даражадаги ҳокимиятлар – 91,0%.

Шу билан бирга ахборотлашиш даражаси паст корхоналар ҳам мавжуд. Шулар жумласидан: инспекциялар – 44,0%, давлат компаниялари ва ассоциациялар – 10,0%. Масалан, «Ўзбекнефтгаз» МХК ходимларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги 54,0% ни ташкил этади, лекин корпоратив компьютер тармоғи билан таъминланганлиги – атиги 29,0%. Натижада, 2010 йилда компания аппаратининг 1 ходимига қоғоз харажати 41,4 кг (142,7 минг сўм)ни ташкил этди, бу эса республика ўртача кўрсаткичидан 10,0 кг ошиб кетганини билдиради.

Компьютерлардан асосан ҳужжатларни тайёрлаш, тўғрилаш ва қоғозга тушириш (чиқариш) учун фойдаланилмоқда. Ўрганилган вазирлик ва муассасаларда ходимларнинг компьютерни билиш даражаси 54,0% ни ташкил этди. «Ўзбекэнерго» ДАКда бу кўрсаткич – 29,0%, «Шарқ» компаниясида – 39,0%, Давархитектқурилишда – 31,0%, Давстатқўмитада – 49,0%, «Ўзстандарт» агентлигида – 42,0%.

Корхоналарнинг корпоратив электрон почтаси билан етарли даражада таъминланмаганлиги (20%) сабабли уларнинг қоғозсиз тўлиқ электрон ҳужжат айланишига ўтиши тўхтаб турибди. Масалан, Даваархитектқурилишда аппарат ходимлари 100% компьютер техникаси билан таъминланган бўлса-да, электрон почтаси билан атиги 6,4%га таъминланган. Бу эса қоғоз сарф қилишда катта харажатларни келтириб чиқармоқда, 2009 йилда 1 ходимга 36,3 кг қоғоз сарфи тўғри келди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, электрон ҳужжат айланиш тизимидан асосан қоғоз ҳужжатларининг электрон нусхасини рўйхатга олиш ва сақлаш учун фойдаланилада, ҳужжатлар раҳбар билан келишиш ва имзоланишигача қоғозда амалга оширилада. Бу эса материал ва хужжатларни тайёрлашда тезкорликни, шунингдек қоғоз сарфини қисқартирилишини таъминламайди. Бу ҳолат корхоналарда электрон имзодан фойдаланиш даражаси пастлигини кўрсатади.

Ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш ва келгусида ривожлантириш жараёнида кўрсатиб ўтилган камчиликлар корхона маблағларини тежаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш ва бошқарув жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини бермайди. Мамлакат иқтисодиётини глобал модернизациялаш шароитида корхона раҳбарларининг асосий эътиборини ушбу муаммога қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда замонавий, янги иқтисодиётни таркиб топишининг бош омили – бу ахборот технологияларидир.

3.1. Ахборот ва иқтисодий ўсиш: узвийлик ва ўзига хослик

Шуни таъкидлаш керакки, ахборот ва иқтисодиётнинг ўсиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси оддий муаммо эмас. Бу борада Харкевич – Меткалфнинг ахборот коммуникацияларини квадратик ўсиши тўғрисидаги гипотезасини ёдга олиш лозим. Академик А. А. Харкевич ахборот коммуникацияларининг квадратик ўсиши ғоясини баён қилади:

«Ахборот миқдори энг камида саноат потенциалининг квадратига пропорционал тарзда ўсади. Ушбу қонуний ўлчамни қуйидаги фикр-мулоҳаза билан изоҳлаш мумкин. Масалан, бир неча заводларнинг ахборот юзасидан бирлашишини тасаввур қилайлик. Иккита завод ўртасида фақат битта алоқа бўлиши мумкин, учта завод ўртасида эса учта алоқа, тўртта завод ўртасида олтита алоқа бўлиши мумкин ва ҳ.к. Заводларнинг сони кўп бўлганда улар ўртасидаги жуфт-жуфт алоқалар заводлар сони квадратининг деярлик ярмига баробар бўлади. Агар саноат потенциалини заводлар сонига пропорционал деб, ахборот миқдорини эса улар ўртасидаги жуфт-жуфт алоқалар сонига пропорционал деб ҳисобласак, у ҳолда юқорида айтиб ўтилган квадратик боғлиқлик олинади. Агар заводлар бир-бирлари билан бевосита боғланмасдан марказлашган тарзда бошқарилсалар, масалан, трестга бирлаштирилса, у ҳолда натижа ўзгармайди»[1].

Шуни таъкидлаш зарурки, Харкевич-Меткалф гипотезаси деб ном олган ушбу гипотеза фақатгина ривожланишнинг бошланишида ўринлидир. Гап шундаки, энг дастлабки пайтларда ҳар қандай тизимнинг ривожланиши чизиқсиз равишда юз беради. Кичик бир жойдаги бундай чизиқсизликни квадратик боғлиқлик билан ўзаро яқинлаштириш мумкин. Бироқ, шунга қарамасдан Харкевич-Меткалф гипотезаси умумий ривожланиш қонуни бўла олмайди, чунки у маълум даражада реалликка мос келмайди.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахборотнинг ривожланиш қонунлари, жумладан, молиявий ривожланиш масаласи оддий масала эмасдир. Аслида у иқтисодиётнинг ривожланиши билан жамиятнинг ахборот жиҳатидан ривожланишини бир-бирига боғлайди. Шубҳасиз, жамиятни ахборотлаштириш унинг иқтисодий потенциалини оширади, худди шу каби иқтисодиётнинг ўсиши ахборотлашув даражасини оширади. Шунинг учун иқтисодиёт даражаси билан жамиятдаги ахборот ҳажмлари ўртасидаги миқдорий ўзаро боғлиқликни аниқлаш муаммоси юзага келади.

Шубҳасиз, жамиятда айланиб юрадиган барча ахборотнинг молиявий ҳажмини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бироқ миқдорий

[1]Стиглер Дж. Экономическая теория информации. - СПб.: «Экономическая школа»-2001. С.507.

жиҳатдан уни иқтисодиёт билан боғлаш қийиндир. Шунинг учун, жамият ахборотининг унинг иқтисодиёти билан, хусусан ЯММ билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган қисмини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ахборотнинг ушбу қисми товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилиши сабабли уни «ишлаб чиқариш ахбороти» деб номланади.

Макроиқтисодиётнинг бир неча асосий қоидаларини эсга оламиз. Таърифга кўра, ялпи миллий маҳсулот бир йил давомида мамлакатга тегишли ишлаб чиқарилган барча товарлар ва хизматларнинг умумий қийматига баробар бўлади. Амалиётда қайта ҳисоб-китоблардан қочиш мақсадида (тайёр маҳсулот қиймати таркибига ярим тайёр маҳсулотлар қиймати киритилганда) мамлакат хўжалигида яратилган барча қўшимча қийматлар жамланади. Бунда барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун тўловлар амалга ошган бўлиши керак, яъни улар сотилган бўлиши керак. Шунинг учун таърифга кўра, ЯММ ялпи миллий даромадга (ЯМД) тенг бўлади.



3.1.1- расм. ЯММ нинг макроиқтисодий айланмаси[1]

3.1.1-расмда макроиқтисодий айланманинг соддалаштирилган схемаси тасвирланган бўлиб, бу жараёнда ЯММ ва ЯМД яратилади. Икки хил ишлаб чиқарувчи тузилмалар мавжуд бўлиб, улар корхоналар ва уй хўжаликларидир. Корхоналар меҳнат, капитал ва табиий ресурслар каби ишлаб чиқариш омил-

[1]Иқтисодий адабиётлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лари ёрдамида товарлар яратишади ва хизматлар кўрсатишади. Уй хўжаликлари бўлса корхоналарга ишлаб чиқариш омилларини тақдим этади. Корхоналар (ишлаб чиқарувчилар) ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганликлари учун уй хўжаликларига иш ҳақи, фойда, фоизлар, рента ва бошқа шу кабилар кўринишида ҳақ тўлашади.

Уй хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини корхоналарга тўлаш орқали улардан товарлар ва хизматларни сотиб олишади. Келтирилган схеманинг мазмуни ана шулардан иборат. Шунинг билан бирга, мамлакат хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қилиши керак бўлиб, унда талаб ва таклифга мувофиқ равишда товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари учун нархлар белгиланади.



3.1.2- расм. Маҳсулотлар сотиладиган бозорлар ҳисобга олинадиган ЯММ яратилишининг макроиқтисодий айланмаси[1]

3.1.2- расмда маҳсулотлар сотиладиган бозор (товарлар ва хизматлар) ва ишлаб чиқариш омиллари бозори (меҳнат, капитал, фойдали қазилмалар) ҳисобга олинган макроиқтисодий айланманинг схемаси келтирилган. Бозорда сотиладиган барча товарлар ва хизматларнинг қиймати (қайта ҳисоб-китобларсиз) ЯММ га баробар бўлади, барча уй хўжаликлари томонидан олинадиган умумий даромад бўлса ЯМД га тенг бўлади. Аммо, 3.1.2- расмдаги схема ҳам соддалаштирилган схемадир.

[1]Иқтисодий адабиётлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Агар давлат сектори, ташқи иқтисодий фаолият (экспорт ва импорт) ва кредитлар бозори ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда *макроиқтисодий айланма схемаси анча мураккаблашади* (3.1.3-расм). Товарлар бозори (яъни, маҳсулотлар сотиладиган бозор) ва ишлаб чиқариш омиллари бозоридан ташқари кредитлар бозори, шунингдек хорижий бозор юзага келади. Шуни таъкидлаш керакки, 3.1.3-расмда фақат тўловларнинг ҳаракати ифодаланган *бўлиб, товарлар, хизматлар ва бошқа шу кабиларнинг ҳаракати* ташлаб кетилган.

Юқоридаги расмларни келтирилишидан мақсад – ҳар қандай мамлакатнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган ЯММнинг яратилиш жараёнини таҳлил қилиш асосида ЯММ ни яратишда иштирок этадиган ахборот оқимини ажратиб олиш, шунингдек товарлар ва хизматлар ҳамда ЯММ ни ишлаб чиқариш жараёнида жамият томонидан яратиладиган ахборот (ишлаб чиқариш ахбороти) ҳажмлари ўртасидаги боғлиқликни топишдир.



3.1.3-расм. ЯММ яратилишининг тўлиқ макроиқтисодий айланмаси: 1–миллий маҳсулот; 2–инвестицион товарлар харидн; 3–инвестициялар учун маблағлар; 4–кредитлар; 5–омиллар бўйича тўловлар; 6–кредитлар; 7–давлат кредитлари ва қарзлари; 8–товарлар харидн; 9–экспорт; 10–истеъмол товарлари харидн; 11–дотациялар; 12–солиқлар; 13–қарзлар; 14–жамгармалар; 15–миллий даромад; 16–импорт; 17–хорижий мамлакатлардан жалб этиладиган кредит; *18*–хорижий қарзлар[1].

[1]Иқтисодий адабиётлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Макроиқтисодий айланмадан келиб чиққан ҳолда 3.1.4-расмда ЯММ яратилишининг соддалаштирилган схемасини тасвирлаймиз. Ҳар бир товар (хизмат) алоҳида ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилади, яъни бозорда пайдо бўладиган товарлар ва хизматлар қанча хилма-хил бўлса, ЯММ нинг яратилиш жараёнида шунча ишлаб чиқарувчи қатнашади. Ҳар қандай корхона бир қанча миқдордаги товарларни (хизматларни) яратиши мумкин. Шунинг учун, у расмий жиҳатдан товарлар (хизматлар) бозорида шунча миқдордаги ишлаб чиқарувчиларни намоён этади.



3.1.4-расм. ЯММ яратилишининг соддалаштирилган схемаси[1]

Масалан, завод 12 та турли-туман узатиш тизимларини ишлаб чиқаради ва уларни бозорга етказиб туради. Расмий жиҳатдан у 12 та ишлаб чиқарувчини намоён этади. Демак, ҳар бир ишлаб чиқарувчи бозорга фақат битта товар ёки битта хизматни етказиб беради. Истеъмолчилар ушбу товар ва хизматларни сотиб олишади ҳамда ишлаб чиқарувчиларни тегишли тўловлар билан таъминлашади.

Ахборот — иқтисодий қонунини математик кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = A G$$

Бу ерда:

I – товарлар бозорида яратилган ахборот ҳажми;

А – ишлаб чиқариш ахборотининг ҳажми билан ЯММ ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти;

[1]Иқтисодий адабиётлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

G – ЯММ.

Ушбу формулага мувофиқ равишда ахборот – иқтисодий қонунини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин: бир йил давомида мамлакатда яратилган ишлаб чиқариш ахборотининг ҳажми мамлакат ялпи миллий маҳсулотига тўғри пропорционалдир.

Ўз навбатида, юқоридаги формуладан қуйидаги формулани олиш мумкин:

$$G = I / A$$

Бундан ахборот – иқтисодий қонунининг бошқача ифодаланиши келиб чиқади: бир йил давомида мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ахборотининг ҳажмига пропорционалдир.

Ушбу формулалар ва улардан келиб чиққан таърифларда келтирилган ахборот – иқтисодий қонуни оддийдек туюлсада, у катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бир томондан, формуладан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жамият фаровонлиги қанча юқори бўлса (ЯММ қанча кўп бўлса), ишлаб чиқариш ахборотининг ҳажми шунча катта бўлади. Бошқа томондан, аниқ кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ахборотининг ҳажми қанча катта бўлса, жамият фаровонлиги шунча юқори бўлади ва бу ҳолатнинг мавжудлиги юқоридаги қонуниятга кўра, аниқ математик исботга эга.

Ахборот – иқтисодий қонунининг (формулада келтирилган) муҳим параметри бўлиб А миқдори – ахборот ҳажми билан ЯММ ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти ҳисобланади. Айнан у I ва G ўзгарувчи миқдорлари ўртасидаги чизиқли боғлиқликни белгилаб беради.

Кўриниб турганидек, «А» миқдори иккита ўртача арифметик миқдорларнинг нисбатига ёки икки йиғиндининг нисбатига тенг бўлади. Ушбу йиғиндилардан хар бири тасодифий миқдорларнинг йиғиндиси ҳисобланади, яъни пировардида «А» миқдорнинг ўзи ҳам қандайдир тасодифий миқдор саналади.

Демак, хулоса қилиб айтсак:

- инфоиқтисодиётни шартли равишда «иккинчи даражали» иқтисодиёт деб ҳисоблаш мумкин. Унинг ўзига хослиги ушбу хизматлардан фойдаланаётган бошқа соҳалар самарадорлигини ошириш салоҳиятига эга эканлиги билан белгиланади;

- Ўзбекистонда инфоиқтисодиёт ва унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кейинги йилларда жадал суратлар билан ривожланмокда. Бунинг асосий кўрсаткичи сифатида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ЯИМдаги улушининг йил ора муттасил ўсиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин;

- инфоиқтисодиётда моддий (персонал компьютерлар, серверлар, ишчи станциялар, компьютер аксессуарлари) ва номоддий (операцион системалар, офис дастурлари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш воситалари, кўнгилочар дастурлар, таълим берувчи дастурлар) маҳсулотлар орасида узвий боғланиш мавжуд ва улар доимо бири-бирини тўлдириб боради;

-ҳозирда ахборотлаштириш ва телекомуникацияларнинг ривожлантириш бўйича техник-дастурий таъминотлар Ўзбекистон бозорларига таклиф этилган, шу билан бирга барча янги восита ва технологиялар халқаро бозорларда бир вақтнинг ўзида пайдо бўлмокда;

- соҳанинг мавкеи ва ўрнидан келиб чиқиб, «инфоиқтисодиёт»га инфокоммуникацион маҳсулот ва хизматларни яратиш, тақсимлаш, сотиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнларидаги ўзаро муносабатлар мажмуасидир, деб таърифлаш мумкин;

-инфоиқтисодиётнинг кескин ривожланиши таъсирида жаҳон миқёсидаги иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири ва кесишуви ортиб бормокда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тобора камроқ қисми аниқ бир миллатга тегишли бўлиб, маҳсулотлар турли мамлакатлар ва минтақаларда ишлаб чиқарилмокда, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) роли ортиб, кўпинча улар молиявий нуқтаи назардан ҳам, ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назаридан ҳам миллий мансублиги камайиб бормокда.

Хулоса

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, ахборот технологияларининг кейинги йилларда кескин ривожланиши натижасида вужудга келган янги иқтисодий муносабатлар иқтисодиёт илмининг мумтоз тушунчаларига ҳам маълум даражада замонавийлик берувчи «янги иқтисодиёт» тушунчасини келтириб чиқарди. Шунингдек, ушбу ҳолат рисоламизни номлаганимиздек, иқтисодиёт илмига кеча, бугун ва келажак нуқтаи назаридан қараш заруратини юзага келтирмоқда.

Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодиёт фанининг тарихи — бу кишилик жамияти хўжалик юритишининг тарихидир. Унинг ҳар бир босқичида вужудга келган иқтисодий оқим, хоҳ у меркантилизм ёки маржинализм бўлсин, хоҳ у мумтоз иқтисодиёт ёки институционализм бўлсин — ўз даври учун мос бўлган иқтисодий парадигмани тадқиқ этган. Шунинг учун *ҳозирги замон иқтисодий парадигмаси сифатида шаклланган* «янги иқтисодиёт» ҳам чуқур ўрганишни ва атрофлича тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Ахборот технологияларини жорий қилиш ва келгусида ривожлантириш жараёни корхона ва муассасаларда маблағларини тежаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш ва бошқарув жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини беради. Мамлакатда иқтисодиётни ҳар томонлама модернизациялаш шароитида раҳбар ва мутахассисларнинг асосий эътиборини ушбу муаммога қаратиш лозим.

Бугунги кунда замонавий, янги иқтисодиётни таркиб топишининг бош омили — бу ахборот технологияларидир. Янги иқтисодиёт шароитида ахборот — иқтисодий ресурс, хизмат кўрсатиш товари, қўшилган қийматни яратиш манбаи ва бандликни таъминловчи омил сифатида намоён бўлмоқда, яъни анъанавий иқтисоддан фарқли равишда, айнан номоддий ҳолдаги активлар (дастурий таъминотлар, ахборот ресурслари, интеллектуал билимлар, электрон ресурслар ва архивлар кабилар) яратиш ишлаб чиқаришнинг билимларга асосланган янгича

усулига айланмоқда, ахборотнинг ўзи эса иқтисодий категория сифатида шаклланмоқда. Демак, «янги иқтисод»нинг хусусиятли жиҳати — бу анъанавий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил этишда қатнашувчи омил бўлиб ҳизмат қилган ахборотнинг, эндиликда ўзини иқтисодий ресурсга айланиб қолиши ва қўшилган қиймат яратишидир.

Замонавий иқтисодий адабиётларда ахборот технологиялари билан боғлиқ иқтисодиёт «инфоиқтисодиёт» деб аталиб, у шартли равишда «иккинчи даражали» иқтисодиёт деб ҳисобланмоқда. Яъни ушбу иқтисодиётнинг ўзига хослиги — ушбу хизматлардан фойдаланаётган бошқа соҳалар самарадорлигини ҳам ошира олиш салоҳиятига эга эканлигидадир. Инфоиқтисодиётда молдий ва номолдий маҳсулотлар орасида узвий боғланиш мавжуд ва улар доимо бири-бирини тўлдириб боради.

Ўзбекистонда инфоиқтисодиёт ва унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кейинги йилларда жадал суратлар билан ривожланмоқда. Бунинг асосий кўрсаткичи сифатида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ЯИМдаги улушининг йил ора муттасил ўсиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин.

Соҳанингмавқеиваўрниданкелибчиқиб,«инфоиқтисодиёт»ни ахборот маҳсулоти ва хизматларини яратиш, тақсимлаш, сотиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнларидаги ўзаро муносабатлар мажмуасидир, деб таърифлаш мумкин. Инфоиқтисодиётнинг кескин ривожланиши таъсирида жаҳон миқёсидаги иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири ва уйғунлашуви ортиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тобора камроқ қисми аниқ бир давлат ёки миллатга тегишли бўлиб, маҳсулотлар турли мамлакатлар ва минтақаларда ишлаб чиқарилмоқда ва трансмиллий корпорацияларга (ТМК) тегишли бўлиб қолмоқда. Иқтисодий ҳамда молиявий нуқтаи назардан ҳам, ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назаридан ҳам ахборот маҳсулотларининг миллий мансублиги камайиб бормоқда ва улар умуммиллий, умумжаҳон маҳсулотларга айланиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни. 2003 й.

2. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 12.12.2002 й. N 439-II.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. 22.11.2005 й. N 256.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. 10.04.1998 й. N 150.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь, 2010 й.

7. Арипов А.Н., Х.М.Мирзоҳидов ва бошк. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати. – Т.: «Рақамли ривожланиш дастури», 2004.

8. Арипов А.Н. ва бошк. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: «Fan va tehnologiya», 2005. 300 б.

9. Белл Д. Социальные рамки информационного общества. Новая технократическая волна на Западе.- М.: «Наука», 2004.

10. Егорова Т.А., А.В. Размыслов. Диагностика и аудит организационных систем. СПб, 2003.

11. Катаев А.В. Виртуальные предприятия - новая ступень в организации НИОКР //Стратегические аспекты управления НИОКР в условиях глобальной конкуренции: Отчет по НИР № 01.2.00100692. Таганрог: ТРТУ.2001.

12. Косарев В.П, и др. Под ред. Косарева В.Л. и Еремина Л.В. Компьютерные системы и сети: Учеб. пособие. М.: Финансы и статистика, 1999.

13. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, Х.А.Мухитдинов. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш.-Т.: «Ўзбекистон иқтисодиёти», №4. 2004.

14. Досумова Д.Р. Қишлоқ алоқа линияларини баҳолашнинг техник – иқтисодий мезонлари тўғрисида. – Т. : «Алоқа дунёси», № 1\2007, с. 40.

15. Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга кодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001 й.

16. Иминов Т.К. ва бошк. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш. - Т.: «Ўзбекистон иқтисоднёти», №4. 2004. с. 68.

17. Мухитдинова М. «Предупреждение кредитних рисков». Бозор, пул ва кредит, № 12, 2001 й.

18. Арипов А.Н. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат. 2004.

19. info@uztelecom.uz

20. http://www.nasdaq.com

21. http://www.egovernment.ru (журнал «Information Security/ Информационная безопасность»)

22. http://www.osp.ru (журнал «LAN»)

Мундарижа

Кириш 3
1. «Янги иқтисодиёт»нинг шаклланиши 6
1.1. Технологик инқилоб ва даврий тебранишлар 7
2. Қисқача мумтоз иқтисодиёт ҳақида 9
2.1. Иқтисод 10
2.2. Иқтисодий таълимотлар тарихи 13
3. Ахборот технологиялари — янги иқтисодиётни таркиб топишининг бош омили сифатида 21
3.1. Ахборот ва иқтисодий ўсиш: узвийлик ва ўзига хослик 36
Хулоса 44
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 46

Ўқув қўлланма

О. К. Иминов

Янги иқтисодиёт: ўтмиш, бугун ва келажак

Муҳаррир: Улуғ БЕК
Мусаҳҳиҳ: Лайло Маҳмудова
Техник муҳаррир: Элмурод Мусаев

Босишга 2012 йил 10 февралда рухсат берилди.
Шартли босма табоғи 3,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 1,7.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Адади 1000 нусха. Буюртма № 23/10.
Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «SHARQ» НМАК қошидаги «NAFIS BEZAK»
МЧЖнинг дизайн бўлимида тайёрланди ва матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси
41-уй. Тел.: 233-45-37

3000-00

65,9(5Я)
11521

ISBN 978-9943-00-633-1